



“ 4 ” май 2020 у № 12

**“Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда
фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб
талонлари маълумотларини кодлаштириш бўйича
қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш услубиётини такомиллаштириш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. “Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш бўйича қўлланма” иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 31 майдаги 8-сон ҳамда 2015 йил 23 январдаги 2-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор тасдиқланган кундан эътиборан кучга киритилсин.

Раис

A handwritten signature in black ink, appearing to be the name of the official.

Б. Бегалов

**Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик
ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари
маълумотларини кодлаштириш бўйича қўлланма**

Ушбу Қўлланма аҳоли сони, туғилганлар, ўлганлар, никоҳ тузганлар ва никоҳдан ажрашганлар, келганлар ва кетганлар сони тўғрисида тўлиқ, ишончли, ўз вақтида ва сифатли маълумотларни олиш мақсадида тайёрланган.

Қўлланма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан ўрнатилган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолатини ҳисобга олади.

Мазкур Қўлланма, демографик кўрсаткичларни қайта ишлаш ва шакллантиришда давлат статистика органлари томонидан фуқаролик ҳолати далолатномалари, келиш ва кетиш варақаларига статистик ҳисоб талонлари ёзувларини кодлаштиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Асосий қисм

1. Аҳолининг жорий ҳисобини юритиш учун манбалар:

- а) туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
 - б) ўлим ҳақида далолатнома ёзуви (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 27 февралдаги 56-сонли буйруғининг (рўйхат рақами 2089, 2010 йил 23 март) 2- ва 3-иловалари билан тасдиқланган 106-2/х-сон шаклда перинатал ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома ҳамда ўлим ҳақида тиббий гувоҳномалар билан);
 - в) никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви;
 - г) никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
 - д) келиш варақасига статистика ҳисоби талони;
 - е) кетиш варақасига статистика ҳисоби талони;
- а), б), в), г) кичик бандларида кўрсатилган манбалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2012 йил 23 октябрда 234-мх сон билан тасдиқланган буйруқнинг (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь)

1-4-иловаларида, шунингдек д), е) кичик бандларида кўрсатилган манбалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1999 йил 29 мартдаги 55-сон буйруғи (рўйхат рақами 698, 1999 йил 9 апрель) билан тасдиқланган Йўриқноманинг 43-банди 6-7-иловаларида келтирилган.

II. Таснифлаш ва кодлаштириш тизими

2. Демографик маълумотларни қайта ишлаш ва демографик кўрсаткичларни шакллантиришда қуйидаги статистик таснифлагичлардан фойдаланилади:

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий объектларни белгилаш тизими” (МХОБТ) статистик таснифлагичи;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 10-қайта кўрилган касалликлар ва ўлим сабаблари халқаро статистик таснифлагичи (ХКТ-10);

ISO 3166 халқаро стандартига асосан “Жаҳон мамлакатлари” статистик таснифлагичи.

III. Демографик жараёнларнинг жорий ҳисобини юритиш учун бирламчи ҳужжатларни кодлаштириш

3. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини кодлаштириш қуйидагича амалга оширилади:

барча кодлар араб рақамларида, қатъий белгиланган жойларга ёзилиши лозим, бунда код далолатномадаги матннинг устига ёзилмаслиги керак. Ой номлари ва доимий яшаш жойидан ташқари, барча кўрсаткичларнинг кодлари тегишли сатрда жойлашган катакчалар ичига ёзилиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан электрон юборилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини доимий яшаш жойидан бошқа сатрларини кодлаштириш талаб этилмайди;

доимий яшаш жойини кодлаштириш туғилганларни – туғилганлик ҳақидаги, ўлганларни – ўлим ҳақидаги, никоҳланувчиларни – никоҳ тузилганлиги ҳақидаги, никоҳдан ажралувчиларни – никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларида, келганларни – келиш варақасига статистик ҳисоби талони, кетганларни – кетиш варақасига статистика ҳисоби талонларида кўрсатилган маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича, ҳудудий объектларни кодлаштириш тизимига мувофиқ амалга оширилади;

худудларни кодлаштириш тизими МҲОБТ таснифлагичи асосида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари (туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳамда ўлим ҳақида далолатнома ёзувлари) маълумотлари аҳолининг табиий ҳаракати маълумотларини шакллантиришда фойдаланилади. Бунда туғилган бола ота-онасининг, ўлганлар, никоҳ тузганлар ва никоҳдан ажралганлар уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойлари бўйича ҳисобга олинади.

хорижий давлатда ўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига “Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома” ўлим содир бўлган хорижий давлатнинг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан расмийлаштирилган тақдирда, ушбу ўлган фуқаролар бўйича статистик ҳисоб алоҳида тартиб асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари белгиланган тартибда умумий асосларда кодлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 4 мартда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг электрон ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома”га мувофиқ, Давлат хизматлари агентлиги томонидан тақдим этилган электрон ахборотлар базасининг электрон кодлаштириш ҳолатлари текширилади ва зарурий ҳолатларда кодларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг электрон ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома”га мувофиқ, Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан тақдим этилган электрон маълумотлар базасининг электрон кодлаштириш ҳолатлари текширилади ва зарурий ҳолатларда кодларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини кодлаштиришга тайёрлаш.

Аҳолининг табиий ҳаракати тўғрисидаги йиллик маълумотлар базасида ҳисобот йилида содир бўлган ва рўйхатга олинган барча туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш ҳолатлари киритилиши лозим. Туғилиш ёки ўлим ҳолатлари ҳисобот йилида содир бўлиб, уларни рўйхатга олиш ҳисобот йилдан кейинги йилнинг январ ойида амалга оширилган бўлса, бундай далолатномалар ҳисобот даврининг “13-ойи” коди билан алоҳида умумлаштириб қўйилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилган туғилганлик ёки ўлганлик тўғрисидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари ҳам ҳисобга олинади.

5. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини кодлаштириш:

1) рўйхатга олиш санаси (далолатноманинг сарлавҳа қисмида). Рўйхатга олиш йили махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Рўйхатга олиш куни ва ойи сўз билан ёзилган сатр юқорисида кун ва ойнинг тартиб рақами кўрсатилади. Туғилган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми кодлаштирилмайди;

2) туғилган боланинг жинси (“Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви”нинг 4-банди) қуйидагича кодлаштирилади:

ўғил бола – 1, қиз бола – 2, жинси номаълум – 3;

3) боланинг туғилган вақти, вазни ва бўйи (далолатноманинг 5-банди). Махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Агарда ой кўрсатилмаган бўлса – “16” қўйилади; вазни кўрсатилмаган бўлса – “9999” қўйилади; бўйи кўрсатилмаган бўлса – “99” қўйилади;

4) туғилган жойи ва доимий яшаш жойи (далолатноманинг 6-банди). Туғилган жойи МҲОБТ ва “Жаҳон мамлакатлари” статистик таснифлагичи асосида кодлаштирилади. Доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ кодлаштирилади (онаси ёки отасининг доимий яшаш жойи бўйича). Доимий яшаш жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг қисмида кўрсатилади.

Агар ота-онанинг доимий яшаш жойи номаълум бўлса, далолатноманинг юқори ўнг қисмида рўйхатга олиш амалга оширилган ФҲДЁ жойлашган ҳудуднинг коди қўйилади.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

5) нечта бола туғилди (далолатноманинг 7-банди). Махсус кодлаштиришни талаб қилмайди;

б) тирик ёки ўлик туғилган (далолатноманинг 8-банди). Мос катакчада кўйидагича кодлаштирилади: тирик туғилганлар учун – 0, ўлик туғилганлар учун – 1. Ўлик туғилиш сабабларини кодлаштириш “10-ХКТ қисқача номенклатурасида перинатал ўлимнинг сабабларини кодлаштириш йўриқномаси” асосида амалга оширилади. Ўлик туғилиш сабаби кодини туғилганлик ҳақидаги далолатноманинг 8-бандида ёзилади: биринчи код онасига нисбатан ёзилади, ўнгда иккинчиси чизиқча билан болага нисбатан ёзилади, кодлар катакнинг алоҳида бўш жойига ёзилиши керак;

7) онанинг нечанчи боласи туғилди (далолатноманинг 9-банди). Махсус кодлаштириш талаб қилинмайди, мос катакда сўз билан ёзилган бўлса, рақам билан ёзилади. Бу сон ноль бўлиши мумкин эмас. Агар тўлдирмаслик (ёзувнинг йўқлиги) ҳолати учрайдиган бўлса, “31” сони билан кодлаштирилади;

8) далолатноманинг 10, 11, 12, 13-бандлари кодлаштирилмайди;

9) далолатноманинг 14, 15, 16, 17, 18, 19-бандлари ота-она никоҳдан рўйхатдан ўтган бўлса, ҳам отага, ҳам онага нисбатан тўлдирилади. Агар никоҳ рўйхатдан ўтмаган бўлса, отаси бўйича миллатидан бошқа маълумотлар кодлаштирилмайди;

10) ота (она) сининг туғилган вақти (далолатноманинг 14-банди). Туғилган вақти махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Агар туғилган йили номаълум бўлса, мос катакчада “9999” коди қўйилади, туғилган ойи номаълум бўлса “16” коди, туғилган куни номаълум бўлса “32” коди қўйилади.

Ота (она) нинг туғилган йили кўрсатилмаган бўлса-ю, лекин ёши кўрсатилган бўлса, ёши рўйхатга олинган йилига қараб ота (она) нинг туғилган йилини ҳисоблаш лозим. Ҳисобланган йил ушбу сатрнинг ўнг томонига ёзилиши керак;

11) ота (она) нинг миллати (далолатноманинг 15-банди). Ушбу қўлланманинг иловасига* мувофиқ кодлаштирилади. Далолатномада кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, агар миллат қайд этилмаган бўлса “190” коди бириктирилади. Туғилган боланинг миллати онасининг миллатига қараб ҳисобга олинади;

*Илова ушбу қўлланманинг рус тилидаги таҳририда келтирилган

12) ота (она) нинг фуқаролиги (далолатноманинг 16-банди). Ота (она)нинг фуқаролиги “Жаҳон мамлакатлари” таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

13) ота (она) сининг доимий яшаш жойи (далолатноманинг 17-банди). Кодлаштириш фақат ота (она)нинг доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

14) ота (она)нинг қаерда ва ким бўлиб ишлаши (далолатноманинг 18-банди). Мос катакчаларда қуйидагича кодлаштирилади:

кўпроқ ақлий меҳнат билан бандлар, шу жумладан қишлоқ хўжалигида – 1;

кўпроқ жисмоний меҳнат билан бандлар, лекин қишлоқ хўжалигида эмас – 2;

кўпроқ қишлоқ хўжалигида жисмоний меҳнат билан бандлар – 3;

нафақахўрлар, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган шахслар, лекин бировнинг қарамоғида бўлган талабалар, курсантлар кирмайди – 4;

иш билан банд бўлмаганлар – 5;

қамокда бўлган шахслар – 9;

яшаш учун даромад манбаларини кўрсатмаганлар – 9 коди билан белгиланади.

Ҳарбий хизматни ўтаётганларни, ҳарбий хизматгача банд бўлган иш фаолиятига қараб, агар сўз билан “аскар”, “ҳарбий хизматда” ва бошқалар деб кўрсатилган бўлса, “9” коди қўйилади;

15) ота (она) нинг маълумоти (далолатноманинг 19-банди). Махсус кодлаштириш талаб этилмайди. Агарда тагига чизилган сатр бўлмаса, яъни “маълумоти” кўрсатилмаган бўлса, мос катакчада “9” коди қўйилади;

16) отаси ҳақида маълумотни ёзиш учун асос (далолатноманинг 20-банди):

агар “а” сатр – никоҳ қачон ва қаерда қайд этилган – катакча тўлдирилган бўлса, мос сатрда “1” коди қўйилади;

агар “б” сатр – оталикни белгилаш тўғрисида ариза – катакча тўлдирилган бўлса, мос сатрда “2” коди қўйилади;

агар “в” сатр – онанинг аризаси – катакча ёки далолатноманинг фақат 21-сатри тўлдирилган бўлса, “3” коди қўйилади.

Ушбу бандда 3 ҳолатдан фақат биттаси кодлаштирилади.

“а” сатрни тўлдирганда, ота (она)си никоҳини қайд этиш оyi ва йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар ота (она)си никоҳининг қайд этилган йили номаълум бўлса, мос катакчада “9999” коди қўйилади, оyi номаълум бўлса “16” коди қўйилади, кун номаълум бўлса “32” коди қўйилади;

агар “б” ёки “в” сатрлари тўлдирилган бўлса, “оталикни белгилаш тўғрисида ариза” санаси ҳамда “онанинг аризаси” санаси кодлаштирилмайди.

6. Ўлим ҳақида далолатнома ёзувини кодлаштириш:

1) ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг санаси (далолатноманинг сарлавҳасида). Рўйхатга олиш йили махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Рўйхатга олиш куни ва оyi сўз билан ёзилган сатр юқорисида кун ва оyнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Ўлганнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кодлаштирилмайди;

2) ўлганнинг жинси (“Ўлим ҳақида далолатнома ёзуви”нинг 4-банди): эркак – “1”, аёл – “2” тарзида кодлаштирилади;

3) ўлганнинг миллати (далолатноманинг 5-банди). Ушбу қўлланманинг иловасига мувофиқ кодлаштирилади. Далолатномада кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, агар миллат қайд этилмаган бўлса “190” коди бириктирилади;

4) фуқаролиги (далолатноманинг 6-банди). Ўлганнинг фуқаролиги “Жаҳон мамлакатлари” таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

5) ўлган вақти (далолатноманинг 7-банди). Ўлган вақти махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агарда оy кўрсатилмаган бўлса “16” қўйилади. Агар сана кўрсатилмаган бўлса, мос сатрда “32” коди қўйилади.

6) ўлган жойи (далолатноманинг 8-банди). Ўлган жойи МҲОБТ таснифлагичига мувофиқ кодлаштирилади;

7) ўлимнинг сабаби (далолатноманинг 9-банди). 10-ХКТ ўлим сабабларининг номенклатураси, ўлим сабабларини кодлаштириш йўриқномаси асосида:

ўлим сабабининг умумий коди ҳамиша ёзилади;

агарда ўлим сабабининг умумий коди бахтсиз ҳодиса бўлса, жароҳатнинг хусусияти (шикастланиш тури) коди ўнг томонда чизиқчадан кейин ёзилади;

агарда ўлганнинг ёши 0-6 кунлик бўлса, каср чизиғи шаклида кодлаштирилади:

касрнинг суратида: бахтсиз ҳодиса бўлганда, чизиқчадан кейин жароҳатнинг хусусияти ёзилади;

касрнинг махражида: перинатал ўлим коди – биринчиси онасига тегишли бўлса, ўнг томонда чизиқчадан кейин ёзилгани болага тааллуқли бўлади;

8) туғилган санаси ва жойи (далолатноманинг 10-банди). Туғилган жойи кодлаштирилмайди.

Туғилган санаси. Туғилган санаси махсус кодлаштиришни талаб этмайди, агарда туғилган йили кўрсатилмаган бўлса, мос катакчага “9999” коди қўйилади.

Туғилган оyi кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади, куни кўрсатилмаган бўлса, мос сатрда “32” коди қўйилади.

Ўлганнинг туғилган йили кўрсатилмаган бўлса-ю, лекин ёши кўрсатилган бўлса, ўлган йилига қараб унинг туғилган йилини ҳисоблаш лозим. Ҳисобланган йил ушбу сатрнинг ўнг томонига ёзилиши керак;

Ёши. Фақат 1 ёшгача ўлган болаларни қуйидаги ёш гуруҳлари бўйича кодлаштирилади:

Ёш гуруҳлари	Ёш гуруҳининг коди
0 кунлик	3
1 кунликдан 6 кунликкача	6
7 кунликдан 1 ойликкача	1
1 ойликдан 1 ёшгача	2

Ойлик ёш боланинг туғилган ва ўлган санасининг фарқи орқали аниқланади. Агар ушбу саналар бир-бирига тенг бўлса (масалан: 16 апрелда туғилди, 16 майда ўлди), бола ойга тўлган ҳисобланади. Агар туғилган санасидан ўлган санаси кичик бўлса, уни 1 ойликдан кичик деб ҳисобланади (масалан: 31 январда туғилди, 28 февралда ўлди);

9) 1 ёшгача болаларнинг туғилган вақти ёзилмаган тақдирда, қуйидагича кодлаштирилади:

агар ўлган вақти (сана, ой, йил) тўлиқ ёзилган бўлса:

ўлганнинг ёши ой ва кун ёки фақат кунларда кўрсатилган бўлса, туғилган вақтини (сана, ой, йил) тўлиқ ҳисоблаш мумкин. Ҳисобланган сана тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

ўлганнинг ёши ойларда кўрсатилган бўлса, туғилган ойи ва йили ҳисобланади, туғилган кунига эса “32” коди қўйилади. Ҳисобланган сана тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

агар ўлган ойи ва йили аниқ бўлса, ўлган ойига қараб туғилган ойи ва йили ҳисобланади, туғилган санаси ва ўлган санаси “32” коди билан кодлаштирилади. Ҳисобланган сана тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

агар ўлган ойи ва йили маълум бўлса, ёши кунларда бўлганда, қуйидаги тартибда кодлаштирилади: ўлган куни – “32”, туғилган куни – “32”, туғилган ойи – “16”, туғилган йили – “9999”. Кодлар тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

агар фақат ўлган йили маълум бўлса, ёши ойларда ёки кунларда бўлганда, қуйидагича кодлаштирилади: ўлган куни – “32”, ўлган ойи – “16”, туғилган куни – “32”, туғилган ойи – “16”, туғилган йили – “9999”. Кодлар тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

Онанинг нечанчи боласи ва онасининг ёши кўрсаткичлари фақат 1 ёшгача ўлган болалар учун тўлдирилади. Ушбу кўрсаткич махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Мос катакчаларда сўз билан ёзилганлар рақам билан ёзиб қўйилади. Номаълум бўлса қуйидагича кодлаштирилади: нечанчи боласи – “31”, онасининг ёши – “99”;

10) яшаган жойи (манзили) (далолатноманинг 11-банди). Доимий яшаган жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагида ёзилади:

агар ўлганнинг доимий яшаган жойи (1 ёшгача ўлган бола учун – онасининг доимий яшаш жойи) ФХДЁ бўлимининг жойлашган манзили билан мос бўлса, далолатноманинг юқори ўнг бурчагида ўлганнинг доимий яшаш жойи (1 ёшгача ўлган бола учун – онасининг доимий яшаш жойи) коди қўйилади;

агар ўлганнинг доимий яшаган жойи (1 ёшгача ўлган бола учун – онасининг доимий яшаш жойи) ФХДЁ бўлимининг жойлашган манзили билан мос келмаса, лекин битта МХБ (маъмурий-худудий бирлик)да жойлашган бўлса, далолатноманинг юқори ўнг бурчагида ўлганнинг доимий яшаш жойи (1 ёшгача ўлган бола учун – онасининг доимий яшаш жойи) коди қўйилади;

агар ўлганнинг доимий яшаган жойи (1 ёшгача ўлган бола учун – онасининг доимий яшаш жойи) ФХДЁ бўлимининг жойлашган жойи билан мос келмаса ва МХБ (маъмурий-худудий бирлик)дан четда жойлашган бўлса,

далолатноманинг юқори ўнг бурчагида ўлимни қайд этган ФХДЁ бўлими манзилининг коди қўйилади;

агар ўлганнинг доимий яшаган жойи (1 ёшгача ўлган бола учун – онасининг доимий яшаш жойи) номаълум ёки у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, далолатноманинг юқори ўнг бурчагида ўлимни қайд этган ФХДЁ бўлими манзилининг коди қўйилади.

ФХДЁ бўлимининг манзили далолатноманинг юқори чап бурчагида ёки охирида жойлашган муҳрда кўрсатилган бўлиши лозим.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади.

11) оилавий аҳволи (далолатноманинг 12-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “оилавий аҳволи” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатрнинг охирига “9” коди қўйилади;

12) иш жойи (қаерда ва ким бўлиб ишлаган) (далолатноманинг 13-банди). Туғилганлик ҳақида далолатномани кодлаштиришнинг 14-банди бўйича кодлаштирилади;

13) маълумоти (далолатноманинг 14-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “маълумоти” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатрнинг охирига “9” коди қўйилади;

14) ўлимни тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатноманинг 15-банди). Агар ўлим ҳақидаги далолатномада ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома тикилган бўлса, “ўлим сабаби нимага асосан аниқланди” ёзувига асосан қуйидагича кодлаштирилади:

ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома мурдани ёрмасдан берилса “1” коди (агарда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳноманинг 10-бандида ўлим сабаби фақат ўлимни аниқлаган шифокор томонидан ёки ўлганни даволовчи шифокор томонидан аниқланди деб тагига чизилган бўлса) қўйилади;

ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома мурдани патологоанатомик ёриш натижасида берилган бўлса – “4” коди (агар ўлим ҳақида тиббий гувоҳномада ўлим сабаби патологоанатом ёки суд-тиббий эксперти томонидан аниқланди деб белгиланган бўлса) қўйилади;

ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома мурдани патологоанатомик ёришда ўлганни мастлик ҳолатида деб белгилаш натижасида берилган бўлса – “5” коди (ўлим ҳақида тиббий гувоҳноманинг 10-бандида ўлим сабаби

патологоанатом ёки суд-тиббий эксперти томонидан мурда мастлик ҳолатида аниқланди деб белгиланган бўлса) қўйилади.

Агар ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг 15-бандида фуқарони ўлган деб белгилаш тўғрисида суд қарори кўрсатилган бўлса, “6” коди қўйилади.

15) Далолатноманинг 16, 17-бандлар кодлаштирилмайди;

16) Далолатноманинг 19-банди, “белгилар учун” сатри. Далолатноманинг ўнг қисмида ушбу банд сатри бўйича ўлим содир бўлган жой коди қўйилади: стационарда – “1”, уйда – “2”, бошқа жойда – “3”, кўрсатилмаган – “9” коди қўйилади.

7. Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувини кодлаштириш.

Барча белгилар ҳар иккала никоҳланувчилар учун кодлаштирилади:

1) никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувининг санаси (далолатноманинг сарлавҳасида). Никоҳ тузилганлигини рўйхатга олиш йили махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Рўйхатга олиш куни ва оyi сўз билан ёзилган сатр юқорисида кун ва оyнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Никоҳланувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кодлаштирилмайди;

2) туғилган санаси (эр, хотин) (“Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви”нинг 4-банди). Туғилган йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, “9999” коди қўйилади. Туғилган оyi кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади. Туғилган куни кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади.

Агар никоҳланувчиларнинг туғилган йили кўрсатилмай, ёши кўрсатилган бўлса, никоҳни рўйхатга олиш йилига қараб туғилган йили ҳисобланади. Ҳисобланган сана тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

Никоҳланувчиларнинг ёши ва туғилган жойи кодлаштирилмайди;

3) никоҳланувчиларнинг миллати (далолатноманинг 7-банди). Ушбу қўлланманинг иловасига мувофиқ кодлаштирилади. Далолатномада кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, агар миллат кайд этилмаган бўлса “190” коди бириктирилади;

4) фуқаролиги (далолатноманинг 8-банд). Никоҳланувчиларнинг фуқаролиги “Жаҳон мамлакатлари” таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

5) никоҳланувчилар қаерда ва ким бўлиб ишлайди (далолатноманинг 9-банди). Туғилганлик ҳақидаги далолатномани кодлаштиришнинг 14-банди бўйича кодлаштирилади;

6) никоҳланувчиларнинг маълумоти (далолатноманинг 10-банд). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “маълумоти” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр тегишли катакчаларининг охирига “9” коди қўйилади;

7) никоҳланувчиларнинг оилавий аҳволи (далолатноманинг 11-банд). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “оилавий аҳволи” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр тегишли катакчаларининг охирига “9” коди қўйилади;

8) умумий фарзандлар тўғрисида маълумот (далолатноманинг 12-банди). Никоҳланувчиларнинг умумий фарзандлари сони ушбу банд бўйича ёзувларни ҳисоблаб чиқиш орқали рақам билан ёзилади.

Битта болани ҳар иккала никоҳланувчига икки марта ёзиб қўйилиши мумкинлигига эътибор бериш лозим, бу ҳолда бу болани бир марта ҳисоблаш керак.

Бундан ташқари, боланинг туғилган йилига эътибор бериш керак; агар бола 18 ёшга тўлган ёки ундан катта бўлса, у ҳисобга киритилмайди.

Агарда ушбу бандда ёзувлар бўлмаса, код қўйилмайди.

9) доимий яшаш жойи (далолатноманинг 13-банди). Доимий яшаш жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади. Агар никоҳланувчиларнинг доимий яшаш жойи умумий, яъни никоҳланувчиларнинг иккаласи битта туманнинг битта шаҳар ёки қишлоқ аҳоли пунктида яшаётган бўлса, шу жойнинг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади.

Агар никоҳланувчиларнинг доимий яшаш жойи бошқа-бошқа ҳудудда бўлса, никоҳланувчиларнинг бирининг доимий яшаш жойи коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади.

Агар никоҳланувчилар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, никоҳни рўйхатга олувчи ФХДЁ бўлимининг жойлашган манзил коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади. ФХДЁ бўлими манзили далолатноманинг юқори чап бурчагидаги ёки далолатноманинг охиридаги муҳрда кўрсатилган бўлади.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади.

8. Никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувини кодлаштириш.

Барча белгилар ҳар иккала никоҳдан ажралувчилар учун кодлаштирилади.

1) никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувининг санаси (далолатноманинг сарлавҳасида). Рўйхатга олиш куни ва оyi сўз билан ёзилган сатр юқорисида кун ва оyнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Никоҳдан ажралувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кодлаштирилмайди;

2) туғилган вақти (эр, хотин) (“Никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви”нинг 4-банди). Туғилган йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, “9999” коди қўйилади. Туғилган оyi кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади. Туғилган кун кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади.

Агар никоҳдан ажралувчиларнинг туғилган йили кўрсатилмай, ёши кўрсатилган бўлса, никоҳдан ажралишни рўйхатга олиш йилига қараб уларнинг туғилган йилини ҳисоблаш лозим. Ҳисобланган сана тегишли катакчаларнинг ўнг томонига бўш жойига ёзилиши керак;

Никоҳдан ажралувчиларнинг ёши кодлаштирилмайди;

3) никоҳдан ажралувчиларнинг миллати (далолатноманинг 6-банди). Ушбу қўлланманинг иловасига мувофиқ кодлаштирилади. Далолатномада кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, агар миллат қайд этилмаган бўлса “190” коди бириктирилади;

4) никоҳдан ажралувчиларнинг фуқаролиги (далолатноманинг 7-банди). Никоҳдан ажралувчиларнинг фуқаролиги “Жаҳон мамлакатлари” таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

5) никоҳдан ажралувчининг доимий яшаш жойи (далолатноманинг 8-банди). Доимий яшаш жойининг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади. Агар никоҳдан ажралувчиларнинг доимий яшаш жойи умумий, яъни никоҳдан ажралувчиларнинг иккаласи битта туманнинг битта шаҳар ёки қишлоқ аҳоли пунктида яшаётган бўлса, шу жойнинг коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади.

Агар никоҳдан ажралувчиларнинг доимий яшаш жойи бошқа-бошқа жойда бўлса ёки улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, никоҳни бекор қилишни рўйхатга олувчи ФХДЁ бўлимининг жойлашган манзил коди далолатноманинг юқори ўнг бурчагига қўйилади. ФХДЁ бўлими манзили

далолатноманинг юқори чап бурчагидаги ёки далолатноманинг охиридаги муҳрда кўрсатилган бўлади.

Доимий яшаш жойи МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

6) никоҳдан ажралувчилар қаерда ва ким бўлиб ишлайди (далолатноманинг 9-банди). Туғилганлик ҳақидаги далолатномани кодлаштиришнинг 14-банди бўйича кодлаштирилади;

7) никоҳдан ажралувчиларнинг маълумоти (далолатноманинг 10-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “маълумоти” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр тегишли катакчаларининг охирига “9” коди қўйилади;

8) никоҳдан ажралувчиларнинг нечанчи никоҳи (далолатноманинг 11-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, ушбу сатр тегишли катакчаларининг охирига “9” коди қўйилади;

9) ажратилаётган никоҳ қайд этилган (далолатноманинг 12-банди). Бекор қилинаётган никоҳни қайд этилганлик йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, мос сатрда “9999” коди қўйилади. Ойи кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади. кунни кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади;

10) умумий болалар сони (далолатноманинг 14-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар ушбу сатрда болалар сони сўз билан ёзилган бўлса, уни белгиланган катакчада рақам билан кодлаштириш керак. Агар ёзув бўлмаса, бу сатрга код қўйилмайди.

9. Келиш варақасига статистика ҳисоби талонини кодлаштириш.

1) рўйхатга олиш санаси (Келиш варақасига статистика ҳисоби талонининг 16-банди) (варақанинг охирги қисмида). Рўйхатга олиш йили махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Рўйхатга олиш кунни ва ойни, сўз билан ёзилган сатр юқорисида, яъни кун, ойнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Келганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кодлаштирилмайди;

2) туғилган вақти (талоннинг 4-банди). Туғилган йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, “9999” коди қўйилади. Туғилган ойни сўз билан ёзилган сатр юқорисида, ойнинг тартиб рақами қўйилади, ойни кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади. Туғилган кунни, сўз билан ёзилган сатр юқорисида, куннинг тартиб рақами қўйилади, кун кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади;

3) келганларнинг жинси (талоннинг 6-банди) қуйидагича кодлаштирилади:

эркак – 1, аёл – 2;

4) кўчиб келганнинг миллати (талоннинг 7-банди). Ушбу қўлланманинг иловасига мувофиқ кодлаштирилади. Кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, миллат қайд этилмаган бўлса “190” коди бириктирилади;

5) манзилга қайд қилинди (талоннинг 8-банди). Қайд қилинган манзили МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

6) ушбу манзилга қаердан келди (талоннинг 9-банди). МҲОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади, агар келувчи чет элдан келган бўлса, “Жаҳон мамлакатлари” таснифлагичи бўйича кодлаштирилади;

7) агарда келиш вилоят ҳудудидан чиқмаган ҳолда содир бўлса 1 коди, агар вилоятдан ташқаридан бўлса 0 коди қўйилади;

8) агар келувчи шаҳардан келган бўлса 1 коди, қишлоқ жойдан келса 2 коди қўйилади;

7) талоннинг 5, 10, 11-бандлари кодлаштирилмайди;

8) маълумоти (талоннинг 12-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “маълумоти” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр охирига “9” коди қўйилади;

9) оилавий аҳволи (талоннинг 13-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “оилавий аҳволи” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр охирига “9” коди қўйилади;

10) биргаликда 16 ёшгача бўлган болалари ҳам келган (талоннинг 14-банди). Болаларининг исми, фамилияси, отасининг исми кодлаштирилмайди. Болаларининг жинси қуйидагича кодлаштирилади: эркак – 1, аёл – 2. Туғилган йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, “9999” коди қўйилади. Туғилган ойи кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади. Туғилган куни кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади.

10. Кетиш варақасига статистика ҳисоби талонини кодлаштириш.

Кетганлик варақасига статистика ҳисоби талонини кодлаштириш фақат республикадан ташқарига кетганлар учун амалга оширилади:

1) рўйхатга олиш санаси (“Кетиш варақасига статистика ҳисоби талони”нинг 16-банди) (варақанинг охириги қисмида). Рўйхатга олиш йили

махсус кодлаштиришни талаб қилмайди. Рўйхатга олиш куни ва оyi, сўз билан ёзилган сатр юқорисида, яъни кун, oйнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Кетганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кодлаштирилмайди;

2) туғилган вақти (талоннинг 4-банди). Туғилган йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, “9999” коди қўйилади. Туғилган oйи сўз билан ёзилган сатр юқорисида oйнинг тартиб рақами қўйилади, oйи кўрсатилмаган бўлса, “16” коди қўйилади. Туғилган куни сўз билан ёзилган сатр юқорисида куннинг тартиб рақами қўйилади, кун кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади;

3) кетганнинг жинси (талоннинг 6-банди) қуйидагича кодлаштирилади:
эркак – 1, аёл – 2;

4) кетганнинг миллати (талоннинг 7-банди). Ушбу қўлланманинг иловасига мувофиқ кодлаштирилади. Кўрсатилган миллат ушбу рўйхатда мавжуд бўлмаса “199” коди, миллат қайд этилмаган бўлса “190” коди қўйилади;

5) манзил бўйича қайд қилинган (талоннинг 9-банди). Манзил МХОБТ таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

6) қаерга кетди (талоннинг 10-банди) фақат хорижга кетганлар учун “Жаҳон мамлакатлари” таснифлагичи асосида кодлаштирилади;

7) агар кетган манзил маълум вилоятнинг ичида бўлса 1 коди, агар вилоятдан ташқари бўлса 0 коди қўйилади;

8) агар кетувчи шаҳар жойига кетса 1 коди, қишлоқ жойига кетса 2 коди қўйилади;

7) талоннинг 5, 8, 11-бандлари кодлаштирилмайди;

8) маълумоти (талоннинг 13-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “маълумоти” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр охирига “9” коди қўйилади;

9) оилавий аҳволи (талоннинг 14-банди). Махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар бирортасининг ҳам тагига чизилмаган бўлса, яъни “оилавий аҳволи” кўрсатилмаган бўлса, ушбу сатр охирига “9” коди қўйилади;

10) улар билан бирга 16 ёшгача бўлган болалари ҳам кетган (талоннинг 15-банди). Болаларининг исми, фамилияси, отасининг исми кодлаштирилмайди. Болаларининг жинси қуйидагича кодлаштирилади: эркак – 1, аёл – 2. Туғилган йили махсус кодлаштиришни талаб этмайди. Агар у кўрсатилмаган бўлса, “9999” коди қўйилади. Туғилган oйи кўрсатилмаган

бўлса, “16” коди қўйилади. Туғилган куни кўрсатилмаган бўлса, “32” коди қўйилади.

IV. Яқуний қондалар

11. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳудудлар кесимида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳар ой яқуни бўйича ҳисоблаб чиқилади.

12. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини ҳамда келиш ва кетиш варақаларига статистика ҳисоби талонларини кодлаштириш ҳудудий статистика бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1999 йил 29 мартдаги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 9 апрелда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини жорий қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома”.
2. Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдириш қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мқ-сонли буйруғига (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь) 5-илова.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 28 февралдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими идоравий статистик таснифлагичи.
4. Медков В.М. “Демография”/Учебное пособие/Ростов-на-Дону/Феникс, 2002.
5. Денисенко М.Б., Калмыкова Н.М. “Демография”/Москва/ИНФРА-М, 2007.
6. Справочник по подготовке специалистов по системам регистрации актов гражданского состояния и статистики естественного движения населения/ООН/Нью-Йорк, 2004.
7. Человеческое развитие; новое измерение социально-экономического прогресса/Учебное пособие/Москва: Права человека, 2008.
8. Рекомендация по статистике международной миграции/Первое пересмотренное издание/ООН/Нью-Йорк, 1998.
9. Глоссарий терминов в области миграции. Международное миграционное право/МОМ/Женева, 2005.
10. Перепись населения и жилищного фонда. Практика стран ЕЭК ООН в раунде переписей 2000 года/ООН/Нью-Йорк и Женева, 2008.
11. Руководство по сбору данных о рождаемости и смертности/ООН/Нью-Йорк, 2005.
12. Рекомендации Конференции Европейских статистиков по проведению переписей населения и жилищного фонда 2010 года/ЕВРОСТАТ/ООН/Нью-Йорк и Женева, 2006.
12. <https://unstats.un.org/unsd/methodology/m49/>